## Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 100-ҳадис

100/119 – وَعَنْهُ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ: قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللهِ إِنِّي أَسْمَعُ مِنْكَ حَدِيثًا كَثِيرًا أَنْسَاهُ. قَالَ: «ابْسُطْ رِدَاءَكَ» فَبَسَطْتُهُ، قَالَ: فَغَرَفَ بِيَدَيْهِ ثُمَّ قَالَ: «ضُمُّهُ». فَضَمَمْتُهُ، فَمَا نَسِيتُ شَيْئًا بَعْدَهُ.

100.119 Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Эй Аллоҳнинг Расули, албатта, мен сиздан кўп ҳадис эшитаман-у, унутиб қўяман», дедим. У зот: **«Ридоингни ёз!»** дедилар. Уни ёздим. У зот икки қўллари билан ҳовучлаб солдилар, сўнг: **«Буни бағрингга бос!»** дедилар, мен уни бағримга босдим. Шундан кейин ҳеч нарсани унутмайдиган бўлдим».

Ибн Фудайк ҳам шуни айтиб бериб, «ёки «қўллари билан унга ҳовучлаб солдилар» деган.

---

Манба: hadis.islom.uz

HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI